Ушбу сонда:
2 ЖАМОА ШАРТНОМАСИ ВА МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ
3 ҲУҚУҚИМИЗНИ БИЛАЙЛИК, УНИ ҲИМОЯ ҚИЛА ОЛАЙЛИК
4 «Ишонч» бонг уради СПОРТ МАЙДОНЛАРИ НЕГА БЎМ-БЎШ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ / FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 18 феврал, жума №26 (858)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## «ЎЗБЕКИСТОН: ДАВЛАТ ВА УНИНГ ЙЎЛБОШЧИСИ»

***Саккиз йиллик мустақил тараққиёт даврида Ўзбекистон Республикаси ўз ташқи сиёсатини шакллантиришнинг муҳим босқичини босиб ўтди ва халқаро муносабатларнинг янги, кўп қутбли тизимини яратиш жараёнида фаол иштирок этмоқда. Жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш шароитида мустақил мамлакатдаги давлат қурилиши ва миллий тикланиш жараёнлари Европа ва Америка, Осиё ва Яқин Шарқдаги унинг янги халқаро ҳамкорларида катта қизиқиш уйғотмоқда.***



Хорижий кузатувчиларнинг фикрича, кучли демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлида катта муваффақиятларга эришган Ўзбекистон қисқа вақт ичида нафақат дунё сиёсатининг тенг ҳуқуқли ва фаол субъектига, балки минтақавий хавфсизлик ва барқарорликнинг таянчига, Марказий Осиё билан ташқи дунё ўртасидаги асосий боғловчи бўғинга айланди. Сўнгги йиллар давомида хорижий мутахассислар томонидан «Ўзбекистон - Марказий Осиёнинг «ўзак» давлати», деб кўп бор айтилган бу фикр «Ўзбекистон: давлат ва унинг йўлбошчиси» номли китоб саҳифаларида бугун яна таъкидланмоқда. Китоб 1999 йилда Миср Араб Республикаси Қоҳира шаҳридаги «аш-Шурук» нашриёти томонидан араб тилида чоп этилган. Бугунги кунда ўзбек ва рус тилларига таржима қилиниб, Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси томонидан нашрга тайёрланган ва «Ўзбекистон» нашриётида босмадан чиққан бу асар китобхонлар эътиборига ҳавола этилмоқда.

Ўзбекистон ва унинг йўлбошчиси Ислом Каримовга бағишланган бу китоб нуфузли мисрлик тадқиқотчилар - Қоҳира университети қошидаги Осиё тадқиқотлари маркази директори М.Салим, марказнинг илмий ходими, доктор И.Арафот ҳамда ўзбекистонлик таниқли олимлар - Ўзбекистон Республикаси ФА мухбир-аъзоси, профессор Н.Иброҳимов ва доктор С.Иноғомов қаламига мансуб.

Мисрда илк бор Ўзбекистон ҳақида бундай фундаментал асарнинг пайдо бўлишига мамлакатимизнинг маданий-тарихий, сиёсий ва иқтисодий ривожланишини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш замин ҳозирлади. Шубҳасиз, Миср Араб Республикаси каби араб-мусулмон оламининг нуфузли мамлакати университетларидан бирида яратилган бу китоб барча араб давлатларидаги мутахассислар ва кенг китобхонлар оммасига Ўзбекистоннинг тараққиёти ва унинг ташқи дунё билан муносабатлари ҳақидаги қизиқарли ва кўп жиҳатдан янги маълумотлар беради. Энг муҳими, асар Марказий Осиё минтақаси ва жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимиз тутган муҳим ўринни холисона баҳолаш учун қўшимча мезонлар беради. Китоб муаллифлари уларнинг ташаббуси бутун араб оламида Ўзбекистоннинг аввалгидан кўра кенгроқ ва чуқурроқ ўрганилишига асос бўлишига умид билдиради.

«Ўзбекистон: давлат ва унинг йўлбошчиси» китобида мамлакатимиз араб ҳамжамиятининг нигоҳи орқали намоён бўлади. Унинг саҳифаларида халқаро ҳамкорлар томонидан Ўзбекистонга қизиқишнинг ортиб боришини, мамлакатимизнинг минтақада ҳал қилувчи аҳамиятга эга, кенг сиёсий майдондаги мустақил куч сифатида тан олинишини кўриш мумкин. Жаҳоннинг катта ва стратегик жиҳатдан муҳим қисми бўлган араб давлатларининг бундай эътирофи аҳамиятини алоҳида таъкидлаш зарур.

Китоб муаллифлари бундай муносабатларни ривожлантириш ва чуқурлаштириш асосини ўзбек ва араб халқлари ўртасидаги асрлар давомида мавжуд бўлган тарихий, маданий ва маънавий алоқалар билан боғлайди. VII-VIII асрлардан бошлаб араб дунёсига бу минтақа халқларининг бой фалсафий анъаналари, илмий ютуқлари ва ўзига хос маданияти таъсир кўрсатди. Имом ал-Бухорий, ат-Термизий, Нақшбанд, Хўжа Аҳмад Яссавий, ал-Хоразмий ва бошқа кўплаб алломалар ислом фалсафасининг тараққиётига ва жаҳон маданиятини бойитишга катта ҳисса қўшди. Бугунги кунда араб мамлакатлари бу алоқаларни тиклаш ва давлатлараро муносабатларни янги босқичга кўтариш йўлида саъй-ҳаракатлар олиб бормоқда. Бу фикрлар китобда тўлиқ ифодасини топган. Балки шу сабабдан унда Ўзбекистоннинг бутун дунёда ижобий баҳоланаётган маданий ва маънавий тикланишига бу қадар эътибор берилган.

Китобда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг шахсий ташаббуси ва ҳатти-ҳаракати туфайли, миллий қадриятларни тиклаш, шу жумладан, жамиятда маданий ва маънавий бойликка тубдан янги муносабатни шакллантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланганлиги таъкидланади. Бу сиёсат Ўзбекистонга ижтимоий тараққиёт ва янгиланиш, бутун жаҳон маданиятининг ажралмас қисми бўлган миллий мероснинг энг қимматли бойликларини эгаллаш борасида янги истиқболларни очди.

Арабистонлик ҳамкорларнинг мамлакатимиз халқлари маънавий ҳаётига ва миллий анъаналарига сингиб кетган ислом қадриятларини тиклашга доир нуқтаи-назари алоҳида эътиборга молик. Китоб яна бир бор Ўзбекистондаги исломий анъаналарга ақидапарастлик ва экстремизм хос эмаслигини кўрсатади. Зеро, бу иллатлар тинчликсеварлик, инсонпарварлик, тараққиёт ғоялари, ижтимоий адолат, шахснинг эркин ривожланиши ва такомиллашишини тарғиб этувчи исломнинг юксак ғояларига зиддир. Ўзбек давлатининг динга унинг жамият маънавий-ахлоқий ҳаётидаги муҳим аҳамиятини тан олишга асосланган янгича муносабати араб дунёсида ҳурмат билан эътироф этилди.

Китоб саҳифаларида Ўзбекистон Республикаси томонидан мустақилликкача босиб ўтилган босқич тўлалигича акс эттирилган. Муаллифлар таъкидлаганидек, мустақиллик йўлида изчил ва қатъий кураш олиб борилган. Кўп ўн йилликлар мобайнида эркинлик ва мустақиллик ғоялари ўзбек халқини жипслаштириб келган. Мамлакатни янги мустақил давлат қуриш йўлидан олиб боришдек маъсул вазифа Ислом Каримов зиммасига тушди. Зеро, бу йўлбошчида ўзбек халқининг миллий етакчи ҳақидаги орзулари мужассамлашган, дейилади китобда.

Тадқиқотда Ўзбекистон Республикасининг давлатчилик ва сиёсий жиҳатдан фаол ташкил топиш жараёнидаги ички сиёсатини ёритишга, жамиятнинг янгиланиш ва сиёсий-ижтимоий тараққиёт йўлини излашига катта эътибор берилган. Муаллифлар Президент Ислом Каримов томонидан мамлакатда давлатчилик қурилиши жараёнида дуч келаётган асосий муаммоларни бартараф этиш юзасидан ишлаб чиққан стратегияларни батафсил кўриб чиқади ҳамда қуйидаги хулосага келади. Мамлакатда барқарор ривожланиш режаси, Ўзбекистоннинг ўзига хос давлат тараққиёти модели ишлаб чиқилганлиги туфайли сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш имкони яратилди.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи ва ички сиёсати ўз давлатини барқарор ривожланиш ва хавфсизлик йўлидан олиб бораётган Ислом Каримовнинг замонавий ижтимоий тараққиётга бўлган муносабатидан келиб чиқади. Бу фикр «Ўзбекистон: давлат ва унинг йўлбошчиси» китобида келтирилган бўлиб, унда нафақат мустақил Ўзбекистоннинг асосий тараққиёт босқичлари ҳақида ҳикоя қилинади, балки йўлбошчисининг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаган кучли давлат қуриш жараёнидаги ўрни кўрсатилади. Арабистонлик ҳамкорлар фикрича, Марказий Осиёнинг ушбу етакчи давлатига бутун минтақанинг фаровонлиги ва равнақи йўлида етакчи ва ташаббускор бўлишдек вазифа насиб этган.

**А.АББАСОВА, /ЎзА/.**

---

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

## ФАРМОНИ

### Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Назорат бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этиш тўғрисида

Ижро интизомини мустаҳкамлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қабул қилинган Фармонлари ва Фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари сўзсиз бажарилишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Назорат бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этилсин.

2. Мувофиқлаштирувчи кенгаш:

Назорат бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш тўғрисидаги Низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қабул қилинган Фармонлари ва Фармойишларининг, Ҳукуматнинг энг муҳим қарорларининг бажарилишини йилнинг ҳар чорагида кўриб борсин;

йилнинг чорак якунлари бўйича «Давлат бошқаруви органларида ижро интизомининг аҳволи тўғрисида» махсус шарҳлар тайёрласин. Шарҳлар бўйича қарор қабул қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин ва улар барча манфаатдор Ҳукумат аъзоларига, вазирликлар ва идораларнинг, бошқа тегишли тузилмаларнинг раҳбарларига юборилсин.

3. Мувофиқлаштирувчи кенгаш ўз фаолиятида Ҳукумат аъзолари, Марказий банк раиси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари бошчилик қилаётган Республика Ҳукумат комиссиялари ва кенгашлари ишига алоҳида эътиборни қаратсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг назорат инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Назорат бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашининг ишчи органи этиб белгилансин.

5. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.А.Алимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 17 феврал

---

## ПРЕЗИДЕНТ ТУҲФАСИ

Тошкент ислом университетида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг туҳфаси - Саудия Арабистони Подшоҳининг Қуръон нашр этиш мажмуаси томонидан чоп этилган Мусҳаф ҳамда Мадинадаги муборак Масжиди набавий имоми, машҳур қори, шайх Иброҳим ал-Аҳдар ал-Қаййим тиловати туширилган магнит тасмаларини мазкур илм даргоҳига тақдим этиш маросими бўлиб ўтди. Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Абдулазиз Мансуров ҳадяни университет ректори, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳамидулла Кароматовга топширар экан, у юртбошимизнинг диний ишларга, маънавий қадриятларни ёшларга етказишга эътибори намунаси эканини қайд этди.

Жамиятимизда кечаётган маънавий янгиланиш жараёни диний манбаларни чуқур ўрганиш ҳамда ислом дини қадриятларини атрофлича тадқиқ этиш жабҳаларида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Президентимизнинг шахсий ташаббуси ва расмий фармонига кўра ташкил этилган Марказий Осиёда ягона бўлган Тошкент ислом университетида диншунослик, исломшунослик, ислом ҳуқуқи, халқаро иқтисодий муносабатлар, информатика ва ахборот технологияси мутахассисликлари бўйича талабалар ўқитилмоқда. Ислом тарихи, фалсафаси, диний қарашларга оид манбаларни илмий таҳлил ва тадқиқ этиш ҳамда халқимиз қўлида сақланаётган осориатиқаларни тўплаш ва ўрганишни йўлга қўйиш мақсадида университетда «Манбалар хазинаси» ташкил этилган. Бу хазина мамлакатимиз ва хорижда мавжуд бўлган қўлёзма ва нодир китоблар билан бойитилмоқда. Юртбошимизнинг туҳфаси ҳам мана шу хазинадан жой олиб, диний фанларни кенгроқ ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Университет талабалари ва профессор-ўқитувчилари қимматли ҳадя учун юртбошимизга миннатдорлик изҳор этди.

**(ЎзА)**

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ*

## ҚАРОРИ

### «Соғлом авлод» давлат дастури тўғрисида

**Соғлом авлодни тарбиялашга, юксак умуминсоний қадриятларга асосланган ҳаётий ўрнига эга бўлган маънавий бой, ахлоқан етук, интеллектуал ривожланган, юқори билимли, жисмонан бақувват, ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантиришга йўналтирилган кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикасида 2000 йилнинг «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:**

1. Қуйидагиларга:

соғлом оилани шакллантириш ва оилада юксак маънавий-ахлоқий муҳитни ривожлантириш учун шарт-шароитларни такомиллаштиришга;

давлат, жамият ва оила томонидан соғлом фарзанд туғилишига эътибор ва ғамхўрликни кучайтиришга;

болаларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, таълим олиши ва ҳар томонлама камол топиши учун шарт-шароитларни яхшилашга;

«Меҳрибонлик» уйларида, мактаб-интернатларда ва ихтисослаштирилган мактабларда тарбияланаётган болаларга давлат томонидан ёрдамни кучайтиришга;

ижтимоий тафаккурда етук, ҳар томонлама камол топган ва соғлом авлоднинг туғилиши ва тарбияланиши учун юксак масъулият психологиясини шакллантиришга, соғлом авлоднинг туғилиши ва тарбияланиши масалалари бўйича аҳолига ялпи билим бериш тизимини яратишга йўналтирилган «Соғлом авлод» давлат дастури тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, «Соғлом авлод» давлат дастурида назарда тутилган чора-тадбирларни, уларнинг аҳамияти ва кўламларини, сарф-харажатлар ҳажмларини ва ижтимоий оқибатларини ҳисобга олган ҳолда, амалга ошириш 2000 йилда ва кейинги йилларда тегишли ресурслар билан таъминланиши керак.

Давлат дастури топшириқларининг унда белгиланган муддатларга мувофиқ сўзсиз бажарилиши учун ўзларига боғлиқ бўлган барча чора-тадбирларни кўриш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш вазирликлар, идоралар, ҳудудий ҳокимият ва бошқарув органлари ҳар бир раҳбарининг муҳим инсоний бурчи деб ҳисоблансин.

3. «Соғлом авлод» давлат дастурини бажаришга доир ишларни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш учун Республика комиссияси тузилсин.

Республика комиссияси, зарурият бўлганда, Давлат дастурининг тегишли йўналишлари бўйича олимлар, мутахассислар ва жамоатчилик вакилларидан иборат ишчи гуруҳлари тузсин ва жойларда дастурий чора-тадбирларнинг амалга оширилиши бўйича ишларнинг ҳақиқий аҳволи ўрганилишини таъминласин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий комплекси котибияти Республика комиссиясининг ишчи органи этиб белгилансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий комплекси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» жамғармаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда «Соғлом авлод учун» жамғармасида жамланаётган молиявий маблағларнинг миқдорлари ва манбаларини танқидий баҳолаб чиқсинлар ва бир ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига:

Жамғармани «Соғлом авлод» давлат дастурини амалга ошириш бўйича Жамғармага юкланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлайдиган миқдорларда зарур молиявий манбалар билан тубдан мустаҳкамлаш;

вилоятларда Жамғарма филиалларини ташкил этиш, уларнинг тегишли моддий-молиявий базасини яратиш;

Жамғармани ва унинг ҳудудий филиалларини, биринчи навбатда, бюджетдан ташқари жамғармалар ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик маблағлари ҳисобидан маблағ билан таъминлаш бўйича таклифлар киритсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Соғлом авлод учун» жамғармаси ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан мақсадли фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган муддатларда тасдиқлашга киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар, корпорациялар ва компаниялар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари йилнинг ҳар чорагида ўз мажлисларида, манфаатдор органлар ва тузилмаларни жалб этган ҳолда, «Соғлом авлод» давлат дастурининг бажарилишини кўриб борсинлар. Йилнинг ҳар чораги якунлари бўйича йил чорагидан кейинги ойнинг 5-кунигача - Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот даврида Давлат дастури топшириқларининг амалга оширилиши якунлари тўғрисида таҳлилий ахборот тақдим этсинлар.

7. Давлат матбуот қўмитаси, «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, республика оммавий ахборот воситалари қабул қилинган «Соғлом авлод» давлат дастурида назарда тутилган чора-тадбирларнинг роли ва аҳамияти кенг тушунтириб берилишини таъминласинлар.

Марказий телевидениеда ва вилоятлар телевидениеларида ҳамда Тошкент шаҳар телевидениесида «Соғлом авлод» бу бизнинг келажагимиз» махсус мунтазам кўрсатувини ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин. Уни тайёрлашга юқори малакали мутахассислар, шифокорлар, психологлар, ота-оналар, тарбиячилар, ёзувчилар, журналистлар, соғлом авлод муҳофазасига дахлдор барча кишилар жалб этилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т.Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси** **И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 15 феврал

---

## ЯНА БИР ҚЎШМА КОРХОНА

Касби туманида сутни қайта ишловчи «Кундус» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси ишга тушди. Хорижий технология билан жиҳозланган ушбу корхона бир кеча-кундузда 8 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга. Шу кунларда қўшма корхонада тайёрланаётган дастлабки маҳсулот - пишлоқ ва сариёғ истеъмолчиларга етказиб берила бошланди.

## НАВОИЙДА НАВРЎЗ ТАРАДДУДИ

Навоий шаҳрида Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик ишлари кенг миқёсда бошланиб кетди. Асосий тантаналар ўтказиладиган маданият ва истироҳат боғида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари давом этмоқда. Бу ерда қўшимча 100 минг тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчати ўтқазилади.

11 ва 18 март кунлари шаҳарда байрамга бағишлаб халқ ҳашари ўтказиш режалаштирилди. Айни кунларда шаҳардаги «Фарҳод», «Ширин» маданият саройлари ҳамда «Турон» савдо маркази майдонларида, марказий кўчалар бўйида, маҳалла ва гузарларда ҳам байрамолди ҳозирлиги қизғин тус олмоқда. Наврўз куни халққа ош бериш, дошқозонларда сумалак пишириш, йигирма нафар кичкинтойнинг суннат тўйини ўтказиш мўлжалланмоқда.

---

## КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛЛИГИ ЗАРУР

***Ўзбекистон касаба уюшмаларининг адабиёт, санъат, бадиий ҳаваскорлик ижодиёти соҳаси ходимлари иштирокидаги «Ўзбекистон Ватаним маним» кўрик-танловини ўтказиш анъанага айланиб қолди.***

Қадриятларни эъзозлаш, тарихий анъаналар, урф-одатларни ёшлар онгига сингдириш, халқимизнинг ўзига хос фазилатлари, бой маданияти ва маънавиятини тарғиб этиш мақсадида ташкил этилган бу эзгу тадбир ўзининг самарали натижаларини бермоқда.

Яқинда кўрик-танловни ўтказиш республика комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари мукофоти лауреатлари номзодлигига тақдим этилган ҳужжатлар, тадбирни ўтказиш якуний босқичи тартиблари ҳамда ҳайъат аъзолари ва эксперт гуруҳларини тасдиқлаш тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Комиссия йиғилишида Наманган, Қашқадарё, Хоразм, Навоий вилоятларида кўрик-танловнинг қуйи босқичлари юқори савияда ўтганлиги алоҳида таъкидланди.

Лекин Жиззах, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида бу борада сусткашликка йўл қўйилди. Кўрик-танловларда барча корхона, ташкилот, муассасалар вакиллари тўла иштирок этиши таъминланмади.

Айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмаларининг ушбу муҳим тадбирга ҳали тайёр эмасликлари маълум бўлиб қолди. Адабиёт соҳаси ва бадиий ҳаваскорлик жамоаларида кўплаб иқтидор эгалари мавжуд бўлган Сурхондарё вилоятидан биргина номзод кўрсатилганини қандай баҳолаш мумкин? Демак, бундан вилоятда танловнинг қуйи босқичларини ўтказиш билан боғлиқ ташкилий ишларга совуққонлик билан қаралган, деган хулоса чиқариш мумкин.

Шунингдек йиғилишда халқимиз турмуш тарзига тобора сингиб бораётган бу тадбирларни ўтказиш муддатлари аниқ белгилаб қўйилишига қарамай Тошкент шаҳар ҳамда Сирдарё вилояти касаба уюшмалари фаолиятларида ҳам юқоридагидек камчилик-қусурлар мавжуд эканлигига эътибор қаратилди.

Кўрик-танловнинг якуний босқичига оз фурсат қолди. Унинг қандай ўтказилиши касаба уюшмаларининг бугунги фаол саъй-ҳаракатларига, ташкилотчилик ва ташаббускорлигига бевосита боғлиқ, дейилди комиссия йиғилишида.

### ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ЛАУРЕАТЛИГИГА ҲУЖЖАТ ТОПШИРГАН НОМЗОДЛАР РЎЙХАТИ

#### Адабиёт соҳасида

1. **Давлетов Қўзи** - Хоразм вилояти, «Инсон манфаати» газетаси мухбири.
2. **Ҳақбердиев Жамшид** - Қашқадарё вилояти, 44- мактаб ўқитувчиси.
3. **Сатторов Акромжон** - Наманган вилояти, Савдо ходимлари касаба уюшма қўмитаси ходими.
4. **Юсупов Аҳмаджон** - Фарғона вилояти, Тошлоқ туманидаги 31-мактаб ўқитувчиси.
5. **Нурмухамедов Қилич** - Қашқадарё вилояти, вилоят шифохонаси бўлим бошлиғи.
6. **Носиров Қодиржон** - Наманган вилояти, Давлат университети ўқитувчиси.
7. **Обидов Асқаржон** - Наманган вилояти, ёшлар техник маркази тўгарак раҳбари.
8. **Остонова Саодат** - Қашқадарё вилояти, 74-мактаб ўқитувчиси.
9. **Темирбекова Мовлуда** - Тошкент вилояти, Янги Ангрен ДИЭС цех бошлиғи.
10. **Юсупова Умидахон** - Фарғона вилояти, Булоқбоши тумани халқ таълими бўлими ходими.

#### Санъат соҳасида

1. **Қосимов Сотимбой** - Хоразм вилояти, Бадиий безаш фирмаси директори.
2. **Жўраев Эшонкул** - Қашқадарё вилояти, Қарши туман 9-мактаб ўқитувчиси.
3. **Эшонкулова Ойдин** - Қашқадарё вилояти, Қарши тумани 70- ўрта мактаб ўқитувчиси.
4. **Содиқов Бахтиёр** - Наманган вилояти, вилоят ўлкани ўрганиш музейи ходими.
5. **Воҳидова Хатича** - Навоий вилояти, Қизилтепа тумани «Хатича» фирмаси раҳбари.
6. **Фозилов Рўзи** - Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани М.Раҳмонов номли қишлоқ хўжалик кооператив бошқарув раиси ўринбосари.
7. **Шукурова Гулнора** - Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳар 29-мактаб тасвирий санъат ўқитувчиси.
8. **Курбонов Ҳамид** - Наманган вилояти, шаҳар болалар ижодиёти уйи услубчиси.

(Давоми 2-бетда)

*Ибрат*

# ЖАМОА ШАРТНОМАСИ ВА МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ

***Тошкент вилояти металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмаси республикадаги энг йирик, жанговор касаба уюшма бўлинмаларидан биридир. Мазкур вилоят тармоғидаги корхоналарда бу йил биринчилардан бўлиб жамоа шартномаси белгиланди. Президентимиз ташаббуси билан бошланган «Соғлом авлод йили» учун ҳаракатида, меҳнаткашларни ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялаш юзасидан ибратли тадбирлар тузилиб амалга оширилмоқда. Мухбиримиз Будир ПЎЛАТОВ мазкур касаба уюшма қўмитасининг раиси Бахтиёр АҲМЕДОВга бир неча саволлар билан мурожаат этди.***

**— Жамоа шартномалари ва унинг ижросини таъминлашга оид фикр-мулоҳазаларингизни билдирсангиз?**

— Ҳақиқатан ҳозир касаба уюшмалари ҳаётида ниҳоятда масъулиятли давр - жамоа шартномаларини қабул қилиш давом этмоқда. Ҳозиргача бизнинг бир неча корхонада бу муҳим ҳужжат қабул қилинди.

2000 йил учун жамоа шартномасини тузишга тайёргарлик чоғида аввалги йилдагисининг ижроси билан яқиндан шуғулландик. Ўтган йил барча жамоаларда меҳнатга ҳақ тўлаш, мукофотлаш, меҳнат муҳофазаси, ижтимоий суғурта, ишловчилар ва улар оила аъзоларини соғломлаштириш, маънавий-маърифий ишларни ривожлантиришга катта эътибор берилди. Овқат пуллари, шунингдек, бошқа товон пулларини кўпайтириш кўзда тутилди.

Жамоа шартномаси талабларига қараб, «Ўзбеккимёмаш» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида ойлик маош ўн уч минг сўмдан ошиб кетди. Энг кам миқдордаги маош «Ўзиккиламчиранглиметалл» ҳиссадорлик жамиятида 2210, «Трансформатор»да 3000 сўмга етди.

Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Ўзбекистон металлургия комбинати, «Ўзолмосолтин» ассоциациясида жамоа шартномасига кўра узлуксиз стажи учун меҳнат таътилига ҳақ тўланадиган қўшимча таътиллар бериш, яна бошқа тўловлар йўлга қўйилди. Бундай тартибда иш тутиш эса ишлаб чиқаришни ривожлантириш, маҳсулот сифатини яхшилаш каби кўрсаткичларга ижобий таъсир кўрсатди.

Жуда кўп корхоналарнинг жамоа шартномаларида якка тартибда уй қурувчиларга, шифохонада даволанаётганларга моддий ёрдам кўрсатиш белгиланган.

«Ўзиккиламчиранглиметалл», Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Ўзбекистон металлургия комбинати каби корхоналар Олий ўқув юртларида ўқиш учун пул тўловларини ташкил этиш ва ёш кадрлар билан таъминлаш иши билан алоҳида шуғулланилаётганлиги кўпчиликни мамнун этмоқда.

Йил давомида корхона, ташкилот, хўжаликларда жамоа шартномалари бажарилишининг бориши назорат қилиб борилди. Касаба уюшма қўмиталарида муҳокамалар ташкил этилди. Йиғилишларда раҳбарларнинг ҳисоботлари тингланди.

2000 йил жамоа шартномасини тузишга тайёргарлик кўришда ўтган йил якунлари ўрганилди, шунингдек, цех, участка, бригада, турли бўлинмаларда ишловчиларнинг истаклари, таклиф-мулоҳазалари ўрганилди. Суҳбатлар ташкил этилди.

Янги жамоа шартномасига тармоқда тузилган Битимлар асосида бир қатор янгиликлар киритилди. Ишловчиларнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ҳимояси бўйича бу йил қатор янги бандлар киритилди.

**- «Соғлом авлод йили» муносабати билан олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳикоя қилиб берсангиз?**

Белгиланган дастурга «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва одамлар ҳаёти экологик шароитини яхшилаш ва корхоналар ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш» деган банд киритилди. Унга мувофиқ ҳар бир корхонанинг касаба уюшма ташкилоти алоҳида тадбир ишлаб чиқади ва амалга оширади.

Меҳнаткашлар соғлиғини муҳофаза қилишда корхона ҳузуридаги тиббиёт бўлинмалари ҳамда профилакторийларнинг ўрни катта. Шунинг учун бу нарсага алоҳида эътибор бермоқдамиз. Соғлом авлод йили муносабати билан яна қатор тадбирлар кўзда тутилган. Тиббиёт бўлинмаларини дори-дармонлар билан кўпроқ таъминлаш, профилакторийларда бор имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш, тиббий-техника, озиқ-овқат таъминотини янада яхшилаш ва бошқалар.

Болаларни соғломлаштириш оромгоҳлари ишини янада яхшилаш бўйича катта мажмуадаги режалар бор. Йўлланмаларни арзонроқ қилиш, кам таъминланган оилалар фарзандларига йўлланмаларни бепул бериш ҳам шулар жумласидандир.

Касаба уюшмалари маданият саройлари ва уйлари, ҳаваскорлик ва халқ ижодиёти фаолиятини тубдан яхшилашга қатъий киришдилар.

«Наврўз», «Мустақиллик куни» каби байрамлар ажойиб тарзда нишонланади. Улар меҳнатчиларнинг узоқ вақт ёдида қолади.

Айниқса, жисмоний тарбия ва спорт ишлари фаолиятимизда катта ўрин тутади. Миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини тиклаш ва кенг ёйиш бўйича ҳар бир корхонада иш олиб борилаяпти. Йил давомида спортнинг 14 тури бўйича ишчи спартакиадасини ўтказишни мўлжаллаганмиз. Ҳар бир корхона маъмурияти ва касаба уюшма ташкилотига жисмоний-тарбия, соғломлаштириш ишларини янада яхшилаш мақсадида ихтиёрларидаги спорт иншоотларини таъмирлаб, яхши ҳолда сақлашни тавсия қилаяпмиз. Ўзимиз ҳам бу ишга яқиндан ёрдам бериб бораяпмиз.

**— Касаба уюшмаларининг энг муҳим вазифаларидан бири меҳнат муҳофазаси. Шундай эмасми?**

— Умуман ишловчилар ҳимоясини таъминлаш бизнинг биринчи галдаги вазифамиз. Бу борада қилинаётган ишлар кўп. Ана шулар эвазига шикастланиш, кўнгилсиз воқеалар йилдан-йилга камаймоқда. Бунда айниқса, техника хавфсизлиги бўйича ўтказилаётган кўрик-танловнинг фойдаси катта бўлмоқда.

Кейинги танловда Олмалиқ кон-металлургия комбинати руҳ заводи ғолиблик шарафига муяссар бўлди. Чирчиқдаги «Трансформатор» ҳиссадорлик жамиятининг Меҳнат муҳофазаси комиссиясига ҳам махсус мукофот топширилди. Энг яхши меҳнат муҳофазаси вакили деган шарафли ном Қовулди олтин қазиб олиш конининг бригада бошлиғи Ровил Гатпуллинга насиб этди.

Биз «Янги минг йилликка шикастланишсиз ва авариясиз» кўрик-танловини ишлаб чиқдик.

# КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛЛИГИ ЗАРУР

*(Боши 1-бетда)*

9. **Рахимова Тамара** - Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани 5-мактаб тасвирий санъат ўқитувчиси.

10. **Каримов Собиржон** - Наманган вилояти, Чуст тумани 13-мактаб ўқитувчиси.

11. **Мансуров Зулфиқор** - Наманган вилояти, Давлат университети курс раҳбари.

12. **Жамолов Мухторжон** - Наманган вилояти, вилоят ёшлар ижодиёти маркази тўгарак раҳбари.

13. **Пўлатов Ғайрат** - Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳар таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси.

14. **Хонкелдиева Дилором** - Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар маҳалла қўмитаси раиси.

15. **Игнаткин Валерий** - Тошкент вилояти, Тошкент ДИЭС чилангари.

16. **Гвардин Алексей** - Тошкент вилояти, «Тематик экспедиция мажмуаси» муҳандиси.

17. Тасвирий санъат маркази - «Қизилқумкамёбметалолтин» концерни, «Фарҳод» маданият саройи.

**Бадиий ҳаваскорлик соҳасида**

1. «Момогул» фольклор этнографик халқ дастаси - Қашқадарё вилояти «Насаф» жамоа хўжалиги.

2. **Бобохўжаев Мухамадалихон** - Наманган вилояти, Косонсой шаҳар педагогика билим юрти ўқитувчиси.

3. «Сказ» гуруҳи - «Қизилқумкамёбметалолтин» концерни «Фарҳод» маданият саройи.

4. **Юсупов Оғамберди** - Хоразм вилояти, «Хива нақшлари» дастаси раҳбари.

5. **Тўқлиев Фурқатжон** - Навоий вилояти, Навоий номли оромгоҳ ишчиси.

6. «Байрам» гуруҳи - «Қизилқумкамёбметалолтин» концерни «Фарҳод» маданият саройи.

7. «Оққўрғон наволари» дастаси - Самарқанд вилояти, «Оққўрғон» жамоа хўжалиги.

8. **Сатторов Рустам** - Тошкент электр алоқа олийгоҳи талабаси.

9. **Абдурасулов Баҳодир** - Наманган вилояти, Наманган шаҳар 8-мактаб директори.

10. Уруш ва меҳнат фахрийлари хори - «Қизилқумкамёбметалолтин» концерни «Фарҳод» маданият саройи.

11. Ўқитувчилар хор ансамбли - Наманган вилояти, Давлатобод тумани 49-мактаб.

12. Халқ академик хори - Навоий вилояти, «Ширин» маданият саройи.

13. «Русская песня» - Фарғона вилояти, «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Химик» маданият саройи.

14. **Мирсаидова Чўлпоной** - Фарғона вилояти, Боғдод телевидениеси муҳаррири.

15. **Йўлдошева Марҳамат** - Наманган вилояти, Поп тумани китоб дўкони мудираси.

16. **Норматова Малика** - Наманган вилояти, Давлат санъат билим юрти лаборанти.

17. **Остонов Шерзод** - «Қизилқумкамёбметалолтин» концерни «Фарҳод» маданият саройи.

18. **Абдувалиев Дилмурод** - «Турон» сиҳатгоҳи клуб мудири.

19. «Базм» гуруҳи - Андижон вилояти, УзДЭУ заводи.

20. «Ал-Шараф» вокал чолғу дастаси - Наманган вилояти, «Наманганэлектртармоқ» корхонаси.

21. «Сардор» вокал чолғу дастаси - Навоий вилояти, «Ширин» маданият саройи.

22. «Карвон» гуруҳи - «Қизилқумкамёбметалолтин» концерни «Фарҳод» маданият саройи.

23. «Саната» гуруҳи - «Қизилқумкамёбметалолтин» концерни «Фарҳод» маданият саройи.

24. «Гармония» гуруҳи - Навоий вилояти, «Ширин» маданият саройи.

25. **Сайфиев Муҳиддин** - Наманган вилояти, Охунбобоев номли жамоа хўжалиги аъзоси.

26 **Тўлаганов Музаффар** - Тошкент вилояти, «Қибрай» маданият саройи ходими.

27. **Холиқов Шуҳратбек** - Андижон вилояти, Асака шаҳар автобус такси саройи клуб мудири.

28. «Наврўз» дастаси - Сирдарё вилояти, Мирзаобод тумани.

29. «Тонг» гуруҳи - Жиззах вилояти, Таълим ва фан ходимлари вилоят касаба уюшма қўмитаси.

30. **Шарипова Шоира** - Бухоро вилояти, Бухоро шаҳар 35-мактаб ўқитувчиси.

31. **Аннурова Мастура** - Бухоро вилояти, Жондор тумани марказий касалхона ҳамшираси.

32. «Зарб» гуруҳи - Бухоро вилояти, 5-мусиқа мактаби.

33. Хор дастаси - Бухоро вилояти, Маданият коллежи.

# УСТЮРТЛИК УЧ ЭГИЗАК

Устюрт саҳроси қўйнида жойлашган мўъжазгина «Жаслик» шаҳарчасида истиқомат қилувчи Юсупбой Саксенбоев ва Зулфия Турсунбоева оиласида бир йўла уч эгизак дунёга келди. Ёш ота-она оқсоқоллар тавсияси ва яхши ниятлар билан қизалоқларга Айнеш, Сайреш ва Жайнеш деб исм қўйди. Эгизаклар малакали шифокор назорати остида соғлом ўсмоқда.

Чақалоқларга махсус аравачалар, кийим-кечак совға қилинди.

# ҚИШЛОҚЛАРГА ГАЗ КЕЛДИ

Навбаҳор тумани қишлоқлари мустақиллик йилларида тўлиқ газлаштирилмоқда. Чунончи, «Зарафшон», «Янгиқўрғон», Алишер Навоий номидаги хўжалик аҳолиси «зангори олов»дан баҳраманд бўлди. Жорий йилнинг дастлабки ойида «Истиқлол» хўжалигининг «Анорбоқи», «Қизилой» қишлоқларидаги 100 дан ортиқ хонадонда табиий газнинг ёниши уй бекаларининг оғирини енгил қилди.

Қишлоқларга газ келиши «Навоийгаз» вилоят бошқармаси, «Навоий» жамоа корхонаси қурувчиларининг ташаббускорлиги ва фидойилиги самарасидир. Айни пайтда «Гигант» қишлоғида 4,5 километрли газ қувурлари тортилмоқда. Қисқа вақт ичида корхона ишчилари бу ерда 10 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарди.

**Ёркул УМАР,**
**ЎзА мухбири.**



Дўстлик тумани пахта тозалаш корхонасида бугунги кунда турли миллат вакилларидан иборат 400 га яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Ўтган йили корхона 48 минг 800 тонна пахтани қабул қилган бўлса, шундан 12 минг тонна маҳсулот қайта ишланди. Олинган сифатли хом ашё эса ўз вақтида хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Ҳозир корхонада бир кунда 40 тонна маҳсулот қайта ишланаяпти. Корхонада иш уч сменада ташкил этилган бўлиб, жамоа меҳнаткашлари яхши ишлаб, кўнгилли дам олишлари учун ҳамма шароит муҳайё этилган - деди, корхона раҳбари Абдураҳим Абдуазимов. - Бу йилги пахта ҳосили учун 1000 тонна уруғлик чигит тайёрланаяпти. Кам таъминланган оилаларга моддий жиҳатдан мунтазам ёрдам кўрсатилаяпти.

Шунингдек, жамоа аъзоларини рағбатлантириш тариқасида ун, ёғ, совун каби бошқа хўжалик маҳсулотлари арзон нархда тарқатилмоқда. Буларнинг ҳаммаси иш унумининг самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

***Суратларда:** 1. Чигитни туксизлантириш бўлими, лентер цехи илғор ишчиси Тиллахон Омонжонова. 2. Автокранчи Неъмат Атоев.*



*Муносабат*

# УЙ МОЖАРОСИ

***Кўканга отасидан от ҳам новвос қолган-қолмаганини билмадигу даҳбедлик Ботирхонга бобоси Раҳматуллахон эшондан бутун бошли уй-жой қолгани рост. Қолганда ҳам бир қоп ғалваси билан қолди.***

Бобосининг маъракалари ўтган куни челаклик Суннатиллохоннинг укаси Баҳодир машинада «бир кунлик қурбонликқа борадию келади» деб тўтасини (Даҳбед шаҳарчасидагилар момони шундай аташади) олиб кетди. Кетаётганда очиқ юз билан ҳаммани алқаб «болам-бўтам» деб хўшлашган, гина-кудратсиз дуога қўл очган тўта шу-шу уйга қайтиб келмади. Унинг ўрнига суддан чақириқ қоғози келди.

— «Турмуш ўртоғим узоқ давом этган касалликдан сўнг оғир аҳволда ётганида мен танимайдиган одамлар келиб турмуш ўртоғим — чолимни алдаб нимагадир қўл қўйдирган экан, - дейди Оқдарё туман судига берган даъво аризасида 90 ёшли онахон — Назокат Мақсудова. — Шундан кейин билсам нотариус томонидан менга ва эримга қариндошчилиги бўлмаган Акрамов Ботирхонга васиятнома берилган. Мен бу ҳолатни эрим 1999 йил 14 феврал куни ўлганидан сўнг билдим. Ботирхон ва унинг хотини жанжал чиқариб мени уйдан чиқиб кетишимга мажбур қилгандан кейин Челак туман Н.Азимов номли жамоа хўжалигида яшовчи жияним Маҳмудов Суннатиллахонникида яшаб турибман.

Қонунсиз равишда берилган васиятномани бекор қилиб мерос ҳуқуқига эга бўлишга ва уй-жойимга киришимга ёрдам беришингизни сўрайман».

Ҳамдардини йўқотгани етмагандай, қариган чоғида уй-жойидан ҳам мосуво бўлган муштипар, жабрдийда онанинг хати ҳар қандай тош юракни эритишга, уни шу кўйга солганларга қаҳр-ғазаб уйғотишга қодир. Муштумингизни тугманг, бироз шошманг, азиз муштарий. Аниқлайликчи, нотаниш кишилару қариндошчилиги бўлмаган фирибгар ким, хат ортида кимнингдир шум нияти яшириниб ётган бўлмасин тағин.

Шаҳарчанинг Охунбобоев кўчаси 21-уйида яшовчи Карим Абдураҳимовнинг айтишича, Раҳматуллохон ҳалол, оқил ва одамохун киши бўлиб, Охунбобоев кўчаси 10-уйда умргузаронлик қилган. Унинг икки хотини бўлиб, иккаласидан ҳам фарзанди бўлмаган. Бири ўзидан анча олдин вафот этган.

1969 йилда Эшон бобо Жомбойдаги жияни Қувватхонни уйлантириб «болам, ўлигим ҳам, тиригим ҳам сеники» деб ёнидан уй солиб кўчириб келган. Қувватхоннинг оила-аъзолари умр бўйи Эшон бобонинг иссиқ-совуғи, оғир-енгили, ўтин-чўпидан хабар олиб турган. Қувватхоннинг ўғли Ботирхон ва хотини Матлубалар эса Эшон бобонинг ўз фарзандидай бўлиб бобо ва тўтани оқ ювиб, оқ тарашган.

Раҳматиллохон Эшон ўлимидан олдин кампирини умрининг охиригача парвариш, иззат-ҳурмат қилиш шарти билан уйини Ботирхонга васият қилиб ҳужжатлаштирган. Худди шунингдек, хотинининг жияни Суннатхон Маҳмудовга ўлимидан сўнг маъракаларини ўтказиш учун яхшигина маблағ қолдирган.

«Суннатхон энди уйга ҳам эгалик қилгиси келиб қолди, - дейди Мирзо Улуғбек кўчаси 5-уйда яшовчи Мурод Абдураҳмонов. - Эшон бобонинг вафотидан 3-4 кун ўтар-ўтмас «уй ҳам меники» деб жанжал чиқарди. Буям етмагандек, уй илинжида тўтани судма-суд судраб юрибди. Бу хонадонда тўтани ҳеч ким ранжитган эмас. Бунга қўни-қўшни, эл-юрт, қолаверса, Аллоҳ гувоҳ».

Бу фикрни қўшнилар Даврон Мардиев, Зуҳро Абдураҳимовалар ҳам тасдиқлашди. «Нотаниш кишилар «Оқдарё» туман ИИБ участка нозири, ўша пайтда «Даҳбед маҳалла қўмитаси раиси бўлиб ишлаган Комил Лутфуллаев, туман 2-сон давлат нотариал идораси нотариуси Қаршибой Ибрагимов, Даҳбед шаҳарчаси фуқаролар йиғини раиси Ислом Усмоновларнинг айтишича, Эшон бобо умрининг охиригача ўзини йўқотмаган, сўзидан адашмаган. Хатдаги гаплар - эл назарида уят, шармандачилик, марҳум руҳига туҳмат.

- Ўлимидан уч-тўрт кун олдин мени чақиртириб уйини Ботирхон номига ўтказиш учун йўл-йўриқ сўради, - дейди Комил Лутфуллаев. - Ислом аканинг тавсияси билан мен нотариус Қаршибой Ибрагимовни олиб бордим. 1999 йил 22 январда ёзилган васиятноманинг тўғрилигини, имзоси ўзиники эканини қайта-қайта тасдиқлагач ва бироз холи гаплашиб олишгандан сўнг нотариус бобога китобга имзо қўйдирди.»

- Марҳумнинг маъракалари ўтгач мен танимаган ва бизнинг ҳудудимизда яшамайдиган Суннат исмли киши менга мурожаат қилиб, Ботирхон Раҳматуллохон Эшон бобонинг уйига эгалик қилмоқчи бўлганини айтиб мендан у-бу ҳужжатларни талаб қилди, - деди Ислом ака. - Мен суддан ёки адвокатурадан бирор ҳужжат тақдим қилмаса бирорта ҳужжатдан кўчирма ва маълумотнома бераолмаслигимни айтгач, норози бўлиб қизишишга ҳам борди.»

Оқдарё туман судининг Турсунқул Убайдуллаев раислигида ўтган 1999 йил 20 августдаги очиқ мажлисида бу масала кўриб чиқилди ва Назокат Мақсудованинг даъвоси қаноатлантирилиб, Оқдарё туман 2-сон давлат нотариал идораси томонидан 1999 йил 7 феврал куни 36-сон билан қайд этилган. Раҳматиллахон Убайдуллаевдан Ботирхон Акромов номига расмийлаштирилган васиятнома бекор қилинди. Шу билан адолат тикланиб, ҳақ жойига қарор топдими?! Қаёқда. Оқдарё туман прокуратураси вилоят судига ЎзРФКнинг 15, 57- моддалари талаблари бузилгани, иш бир ёқлама олиб борилгани ҳақида кассация протести киритди. Ботирхон Акромов ҳам қараб турмади, адвокат ёллаб ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишга киришди.

Самарқанд вилоят судининг 1999 йил 29 октябрдаги ажримига асосан ҳал қилув қарорининг даъвогар Назокат Мақсудованинг уйга киритиш ҳақидаги қисми ўзгаришсиз қолдирилгани ҳолда васиятномани бекор қилиш, маънавий ва моддий зарарни қоплаш қисми бекор қилинди ва иш янгитдан бошқа ҳайъатда кўриш учун шу суднинг ўзига юборилди.

Оқдарё туман судининг янги ҳайъатда шу суд судяси Т.Қодиров раислигида 1999 йил 23 декабрда бўлган мажлисида даъвогар Назокат Мақсудованинг васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво аризаси қисман қаноатлантирилиб, мазкур васиятноманинг иккидан бир қисми (ярмига) ҳақиқий эмас деб топилди. Ҳамда унга уй-жой бўлингандан сўнг уй-жойга эгалик қилиш ҳуқуқини белгилаш тушунтирилди.

Аввалги судда жияни - Суннатиллахон Маҳмудов номига Раҳматуллохон Эшон томонидан васиятнома ёзилганини тасдиқлаб кўргазма берган Аъзамхон Каттаев чақириқ қоғозига қарамай негадир бу судга келмади.

Вилоят суди ажримининг 2-бетида марҳум Раҳматуллохон томонидан 1999 йил 30 январда Суннатиллахон Маҳмудов номига Комил Лутфуллаев, Аъзамхон Каттаев, Қипчоқ Эргашевлар иштирокида васиятнома ёзилгани, лекин бу васиятнома расмийлаштирилмай қолгани ҳақида гап боради. Қизиғи шундаки, бу васиятномада жанжалли Даҳбед шаҳарчаси Охунбобоев кўчасидаги 10-уй эмас, Челак тумани Н.Азимов номли жамоа хўжалиги 12-бригадасидаги уйни барча жиҳозлари билан Суннатиллахон Маҳмудовга қолдириш баён этилган. Унда Раҳматуллохон Эшоннинг иккинчи уйи ҳам бўлиб, тўта қонуний уйида яшаётган бўлиб чиқмайдими? Афсуски, суднинг кейинги ҳукмида ҳам бу масала ноаниқлигича қолиб кетган.

Аъзамхон акадан: «Эл оқсоқоли, қолаверса марҳумнинг яқини сифатида бечора кампирни судма-суд сарсон қилиб, бўлар-бўлмас гаплар билан марҳум руҳини чирқиратмасдан, момони уйига келтириб томонларни келиштириб, яраштириб қўйсанглар бўлмайдими? - деб сўрадик. У эса «Бу ишга мени аралаштирманглар, қарғиш теккан уй ҳеч кимга буюрмайди» деди қисқагина қилиб.

Даҳбедда ана шунақа гаплар. «Ўғлим, Ботирхон судма-суд юриб сарфлаган пулига бинойидай бошпана солиб олса бўларди» дейди уф тортиб Қувватхон ака. «Қувватхон ҳечам Раҳматуллахон Эшоннинг жияни эмас» дейди гузар оқсоқоли Абдулло Расулов. «Суннатиллахонни Раҳматуллахон Эшон тириклигида кўрганимиз йўқ эди, - дейди Карим ака куйиниб. - Энди уйга эга бўлмоқчи». Келин Матлубанинг кўчадан машина ўтса юраги увишадиган бўлиб қолган.

Хўш, уй можаросига қачон, ким нуқта қўяр экан. Суд қарори ижросидан сўнг ярашиб, ўзларидан тинчиб кетишармикан ё шаҳарча, маҳалла оқсоқоллари «барака топгурлар бас қилинглар, тўтага ҳаммасидан ҳам тинчлик, меҳр, парвариш керак» дейишармикин? Нима бўлгандаям яхшиликка бўлсин-да, а, нима дейсиз?!

**Ялғош САРИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# «ИШОНЧ»НИНГ ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ

## Саволларингизга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши меҳнат ҳуқуқлари Бош нозири Ҳамидулла ПРЕМҚУЛОВ жавоб беради.

***Савол:** Янги оилага келин бўлиб тушганимдан буён ҳеч жойда ишлаётганим йўқ. Сабаби, қайнонамнинг отаси (95 ёшда, биринчи гуруҳ ногирони) қаровчига муҳтож бўлганлиги учун мен уни ёлғиз ташлаб қўёлмайман. Ҳозирги пайтда икки нафар фарзанднинг онасиман. Беморга қараганим учун бюллетен пули бериладими? Аёлларга туққанлиги учун бериладиган ва бошқа нафақаларни олиш учун кимга мурожаат қилсам бўлади?*

**Г. СУЯРОВА,**
**Оқдарё тумани «Гулистон» жамоа хўжалиги Зиндонтепа қишлоғи.**

***Жавоб:***

1. Сиз саволингизда келтирган «бюллетен пули» аслида вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври учун касаллик варақаси бўйича тўланадиган нафақа деб юритилади. Бундай нафақалар ижтимоий суғурта маблағидан тўланиб, унинг миқдори меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотган ходимнинг умумий иш стажига боғлиқ бўлади. Касаллик варақаси одатда ишлаётган ходимларга берилади. Истисно тариқасида вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ёки ҳомиладорлик ва туғиш таътили ишдан бўшагандан кейин бир ой ичида юзага келса, шунингдек собиқ ҳарбий хизматчилар қуролли кучлар сафидан бўшаганларидан кейин бир ой ичида касал бўлиб қолсалар уларга Ижтимоий таъминот вазирлиги қошидаги Пенсия жамғармасининг ҳудудий бўлинмалари рухсати билан касаллик варақаси берилиши мумкин. Бизга йўллаган мактубингиз мазмунидан кўриниб турибдики, Сиз (1996 йилдан) оила қурганингиздан буён қайнонангизнинг оталарига қарагансиз, яъни ишламагансиз. Ҳомиладорлик ва туғиш таътилига эса (биринчи марта) 1997 йилда ҳақли бўлгансиз. Демак, Сизга касаллик варақаси берилмайди, чунки юқорида келтирилган ҳолат мавжуд эмас.

Айни вақтда айтиш керакки, Молия, Меҳнат, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк ва Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган ҳолда Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан тасдиқланиб, Адлия вазирлигида 1998 йил 9 апрелда 430-рақам билан рўйхатга олинган «Давлат ижтимоий суғуртасидан нафақалар тайинлаш ва тўлашнинг тартиби ҳақида»ги Низомнинг 46-бандига мувофиқ турмуш ўртоғингиз иш жойидан ҳар бир фарзандингиз туғилганида республикамизда амалда бўлган энг кам иш ҳақининг икки баробари миқдорида бир йўла тўланадиган нафақа олиши мумкин эди.

Бундан ташқари, ҳозирда Сиз ижтимоий таъминот вазирлиги билан келишган Меҳнат ва Молия вазирликлари томонидан тасдиқланган. Шунингдек, Адлия вазирлигида 1998 йил 4 сентябрда 489-рақам билан рўйхатга олинган «Бола икки ёшга тўлгунга қадар ҳар ойда нафақа тўлаш тартиби ҳақида»ги Низомга биноан (тўртинчи банд) республикада амалда бўлган энг кам ойлик иш ҳақининг 150 фоизи миқдорида нафақа олиш ҳуқуқига эгасиз. Бунинг учун Сиз турар жойингиздаги туман ижтимоий таъминот бўлимига ариза билан мурожаат этишингиз керак бўлади. Ариза билан биргаликда, бола туғилганлигини тасдиқловчи гувоҳномадан нусха ва турар жойингиздан ишламаслигингиз ҳақидаги маълумотномани қўшиб топширишингиз лозим.

Эътиборингиз учун шуни ҳам маълум қиламизки, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 37-моддаси «д» бандида кўрсатилишича (даволовчи муассасанинг хулосасига биноан) ўзгаларнинг қарамоғига муҳтож бўлган I гуруҳ ногирони ёки 16 ёшгача болалигидан ногирон болани, шунингдек, 80 ёшдан ошган қарияларга қараш вақти пенсия тайинлаш учун иш стажига қўшиб ҳисобланади.

***Савол:** Корхона раҳбариман. Ходимларимдан бири соғлиғи ёмонлашуви туфайли II гуруҳ ногиронлигига чиқарилди. ТМЭК берган хулосада ҳам «Меҳнатга лаёқатсиз» деб ёзилган. Мен уни ишдан бўшатган эдим, аммо мутасадди ташкилотлардан мутахассис келиб «Сиз ходимни ишидан нотўғри бўшатгансиз» деб уни вазифасига қайта тиклашимни талаб қилмоқда. Шу тўғрими?*

**Қ. МУХТОРОВ,**
**Амударё тумани.**

***Жавоб:***

Мен Меҳнат Кодексининг 100-моддасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш (яъни ишдан бўшатиш) нинг асослари кўрсатилган бўлиб, унинг 2-бандида агар ходим малакаси етишмаслиги ёки саломатлиги туфайли бажараётган вазифасига (эътибор беринг, бажараётган вазифасига дейилмоқда меҳнатга эмас) нолойиқ деб топилса меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиниши мумкин, дейилади. Биламизки, қонунларнинг амалиётда тўғри қўлланилиши учун зарур ҳолларда ваколатли орган ёки давлат муассасалари томонидан уларга шарҳлар ёхуд тушунтиришлар берилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 1998 йил 17 апрелдаги пленум йиғилишида меҳнат қонунларини тўғри ва бир хилда қўлланишини таъминлаш ва меҳнат низоларини кўришда судларда вужудга келадиган масалаларни тушунтириш мақсадида меҳнат шартномаси (контракт)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг амалиётда қандай ишлаши тўғрисида тегишли қарор қабул қилинди. Шу қарорнинг 28-бандида айни Меҳнат Кодексининг 100-модда, 2-қисм 2-банди ҳақида тушунтириш берилиб, унда жумладан шундай дейилади: «Агар ходим билан тузилган меҳнат шартномасига кўра, айнан бажариши шарт бўлган ишни уддалай олмаётган бўлсагина, ишига нолойиқлиги бўйича меҳнат муносабатларини бекор қилишга йўл қўйилади. Ходимнинг нолойиқлиги унинг бажариши шарт бўлган, топширилган ишни уддалай олмаётганлигини тасдиқловчи аниқ далиллар (текширув актлари, бевосита раҳбарлик қилувчининг билдириш хати, ҳисоботлар, аттестация хужжатлари ва ишнинг паст сифатлилигини, яроқсиз маҳсулот чиқараётганини, иш ҳажмини ҳамда ишлаб чиқариш меъёрини бажармаётганлигини ва ҳакозоларни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар) билан, соғлиғи ҳолатига кўра нолойиқлиги туфайли, булардан ташқари тиббий хулоса билан тасдиқланиши лозим. Агар, ходим унга топширилган ишни уддаласа, тиббий хулосага кўра соғлиғининг ёмонлашуви, шунингдек ногиронлик берилиши Меҳнат Кодексининг 100-моддаси 2-қисмининг 2-банди бўйича меҳнат шартномасини бекор қилиш учун етарли сабаб бўлиб ҳисобланмайди».

Демак, бундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Сиз ходимни ногирон деб топилиши билан чекланиб, уни айнан бажариши керак бўлган вазифасига лойиқ ёки лойиқ эмаслиги ҳақида тиббий хулоса олмасдан меҳнат шартномасини бекор қилган бўлсангиз, унда Сизга қўйилган талаб асосли ҳисобланади.

Шу ўринда айтишни истар эдикки, собиқ иттифоқ даврида меҳнат қилиш мажбурий саналиб, меҳнат билан банд бўлмаганларга тегишли жазолар берилиши мумкин эди. Шу боисдан ҳам, (ТМЭК) Тиббий меҳнат экспертиза комиссиялари шахсга ногиронлик белгилаганларида аксарият ҳолларда (III гуруҳ ногиронлиги берилган ҳоллар бундан мустасно) тўғридан-тўғри «меҳнатга қобилиятсиз» деган хулосани берардилар. Бундай хулоса шахсни юқорида айтилган жавобгарликдан озод қилар эди. Демократик тамойилларга асосланган мустақил давлатимиз Конституциясида эса меҳнат қилиш мажбурий дейилмаган. Афсуски шунга қарамасдан ҳозиргача кўпгина ТМЭК ларда бундай ҳоллар ҳанузгача давом этмоқда. Айтиш лозимки, ТМЭК ходимлари кўрикдан ўтказилаётган ҳар бир ҳолатда, агар кўрикдан ўтаётган шахс ишловчи бўлса унинг иш жойидан тегишли маълумот ва ҳужжатларни талаб қилиб олишлари ва улар билан танишиб, ўрганиб чиққандан кейингина, шахснинг меҳнат қилиш ёки қилмаслиги ҳақида хулоса берсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди. Сабаби, дейлик бир оёғи ампутация қилинган одам бутунлай меҳнатга нолойиқ бўлиб қолмайди.

## Саволларингизга Тошкент шаҳар Сирғали туман ижтимоий таъминот бўлими ташкилий-ҳуқуқий бўлинмаси бошлиғи Гулнора МУРОДОВА жавоб беради.

***Савол:** Иккинчи жаҳон уруши вақтида фронт ортида меҳнат қилган кишиларга қандай имтиёзлар бор?*

*Иккинчи саволим меҳнатга қобилияти чегараланган ишловчи иккинчи гуруҳ ногиронлари учун яратилган имтиёзлар ҳақида тушунтириш берсангиз.*

**М.АХМЕДОВА,**
**Тошкент шаҳри.**

***Жавоб:***

Иккинчи жаҳон уруши йилларида мамлакат ичкарисида ишлаган ва ҳарбий мажбуриятни бажарган шахслар қонун ҳужжатларига асосан қуйидаги имтиёзларга:

а) шифокор рецептига асосан бепул дори-дармон олишга;

б) даволаниш-профилактиқа муассасаларида овқатланиш тўловидан озод этилиш ҳуқуқига;

в) икки йилда бир марта бепул сиҳатгоҳ йўлланмасини олишга;

г) ишлаётган меҳнат фронти қатнашчиларига даромад солиғи тўлашдан озод этилиш ҳуқуқига энг кам миқдордаги иш ҳақининг 4 бараваридан;

д) коммунал хизматлар (газ, сув, электр ва иссиқлик энергияси) учун ҳақ тўлашда 30 фоиз енгилликларга эгадирлар. Бу ўринда шуни унутмаслик зарурки, 1999 йил 1 январдан эътиборан имтиёз назарда тутилган шахснинг фақат ўзигагина газдан фойдаланиш ҳуқуқи кўрсатилган. Электр энергиясидан ҳам бир ойда 110 квт-соат миқдорида имтиёз белгиланган. Бундан ташқари «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 28-моддаси «з» бандига мувофиқ, иккинчи жаҳон уруши йилларида мамлакат ичкарисида ишлаган ва ҳарбий мажбуриятни бажарган шахсларга энг кам ойлик иш ҳақининг - 30 фоизи миқдорида ҳисоблаб чиқарилган пенсияларига устама берилиши назарда тутилган.

Энди иккинчи саволингизга келсак, «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддасига асосан ногиронларнинг ижодий ва ишлаб чиқариш қобилиятларини рўёбга чиқариш мақсадида ҳамда тикланишнинг якка тартибдаги дастурларини ҳисобга олиб, уларга меҳнат шароити одатдагича бўлган корхоналар, бирлашмалар, муассасалар ва ташкилотларда, ногиронлар меҳнати қўлланиладиган ихтисослаштирилган жамоаларда, цехларда ва участкаларда ишлаш ҳуқуқи, шунингдек якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан ҳамда қонун билан тақиқланадиган ўзгача меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи таъминланади.

Ногирон билан меҳнат шартномаси тузишдан ёки хизмат юзасидан уни юқори лавозимга кўтаришдан бош тортишга, маъмурият ташаббуси билан ишдан бўшатишга, ногиронлиги учун уни ўз розилигисиз бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилмайди. Тиббий-ижтимоий экспертизанинг хулосасига кўра ногироннинг саломатлиги бу касб вазифаларини бажаришга монелик қилган ёки ногироннинг ёхуд бошқа кишиларнинг саломатлиги ва меҳнат хавфсизлигига таҳдид қилган ҳоллар бундан мустаснодир.

Ногирон ўз меҳнат қобилиятини тиклаганидан кейин аввалги ишига ёки шунга тенг ишга жойлашиш ҳуқуқига эга.

Бундан ташқари, мазкур қонуннинг 29-моддасида ногиронларни иш билан таъминлаш мақсадида давлат идоралари уларнинг касаба уюшмалари ва жамоат бирлашмалари иштирокида корхоналарда, бирлашмаларда, муассасаларда ва ташкилотларда ишловчилар сонининг камида уч фоизи миқдорида иш жойларини банд қилиб қўйиш меъёрлари белгиланган.

Ногиронлар учун иш жойларини банд қилиб қўйишни таъминламаган ёки уларни ишга жойлаштиришдан бўйин товлаган корхоналар, бирлашмалар, муассасалар ва ташкилотлар давлат ҳокимияти маҳаллий идораларига Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгилаб қўйилган тартибда уларни ишга жойлаштириш ва моддий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини қоплаш учун пул тўлайди.

Ногиронлар меҳнатидан фойдаланиш учун уларнинг эҳтиёжлари ва маҳаллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, махсус корхоналар, цехлар ва участкалар барпо этилади. Кўзи ожиз ногиронлар ўзларининг имкониятларига мос келадиган ишлаб чиқаришларда қатнашишда устунлик ҳуқуқига эга. Бунда маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, корхоналар ва бирлашмалар уйда ишловчи ногиронларга, шунингдек, якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлган ногиронларга мазкур фаолият учун бўш бино ёки хоналар ажратиб бериш, хом ашё харид қилиш ва маҳсулотни сотишда зарур ёрдам кўрсатади.

Шу қонуннинг 30-моддасида эса, корхоналар, бирлашмалар, муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган ногиронларга соғлиқларини тиклашнинг якка тартибдаги дастурига мувофиқ равишда зарур меҳнат шароити яратилади.

Меҳнат шароити, шу жумладан меҳнатга ҳақ тўлаш, иш вақти тартиби ва дам олиш вақти, жамоа ёки якка тартибдаги меҳнат шартномасида белгилаб қўйиладиган йиллик ва қўшимча таътилларнинг муддати амалдаги меъёрий ҳужжатларда назарда тутилганидан кам бўлмаслиги ва бошқа ходимларга нисбатан ногиронларнинг аҳволини ёмонлаштирмаслиги ёки уларнинг ҳуқуқларини чекламаслиги керак.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ногиронларнинг меҳнати қўлланиладиган корхоналар учун қонунда бир қанча енгилликлар ва имтиёзлар назарда тутилган. Жумладан, умумий ишловчилар сонининг уч фоизидан кўпроғи ногиронлардан иборат бўлган корхоналар, бирлашмалар, муассасалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқ ногиронлар ишлаши керак бўлган меъёрдан неча фоиз ортиқча бўлса шунча фоиз кам олинади. Бундан ташқари ушбу корхона, муассаса ёки ташкилот имтиёзли асосларда пул билан таъминланиш ва моддий-техника таъминоти олиш ҳуқуқидан фойдаланади. Ногиронлар умумий ишловчилар сонининг эллик фоизидан кўпроғини ташкил этадиган корхоналар, бирлашмалар, муассасалар ва ташкилотлар (савдо, воситачилик, таъминот, сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчилардан ташқари) ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун тўланадиган солиқлардан ташқари барча солиқлардан батамом озод қилинадилар.

***Савол:** I ва II гуруҳ ногиронларига пенсияни ҳисоблаб чиқариш ҳақида батафсилроқ маълумот берсангиз.*

**М.БОЛИЕВА,**
**Тошкент шаҳри.**

***Жавоб:***

Фуқароларга пенсия тайинлаш ва тўлаш 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни билан тартибга солинади. Ушбу қонуннинг 17-моддасида ногиронлик пенсиясини олиш ҳуқуқини берадиган иш стажи жадвали тасдиқланган. Унга мувофиқ, ногиронларнинг ёшига нисбатан неча йил иш стажи талаб қилиниши кўрсатилган.

Мазкур қонуннинг 27-моддасида тўлиқ пенсия тайинлашда талаб этиладиган ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун I-II гуруҳ ногиронларига пенсияни ҳисоблаб чиқаришда олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг бир фоизи миқдорида оширилиши назарда тутилган.

Шу қонуннинг 28-моддаси «д» бандида эса, I-гуруҳ ногиронларига энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизи миқдорида ҳисоблаб чиқарилган пенсияларга устама ҳақ бериш назарда тутилган. Айни вақтда энг кам ойлик иш ҳақи 1750 сўм қилиб белгиланган.

Пенсия миқдорини аниқлашда пенсионерларнинг ўртача ойлик иш ҳақи муҳим аҳамиятга эгадир. Ишдаги танаффуслар мавжудлигидан қатъи назар, пенсияга чиқишни сўраб мурожаат этган шахснинг хоҳишига биноан унинг бутун меҳнат фаолияти давомидаги кетма-кет келган беш йилликлардан бири танлаб олиниб, шундан ҳақиқий ўртача ойлик иш ҳақи пенсияни ҳисоблаб чиқаришда асос қилиб олинади.

### «СИЗ ҚОНУННИ БИЛАСИЗМИ?»

Навоий вилоятида ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Хатирчи туман ҳокимлиги биносида мактаб ўқувчилари ўртасида «Сиз қонунни биласизми?» мавзуида кўрик-танлов ўтказилди. Туман прокуратураси, ИИБ ходимлари ва «Камолот» жамғармаси туман бўлими ҳомийлигида ташкил этилган бу танловда Ойбек номли 18-ўрта мактабнинг «Адолат» ва А.Аъзамов номли 34-ўрта мактабнинг «Турон» жамоалари ўзаро баҳслашдилар. Улар ҳуқуқий билимлари қай даражада эканлигини саҳна кўринишлари орқали намойиш этишди.

Танловни ўтказишдан асосий мақсад, - дейди ҳайъат раиси, туман прокурори ўринбосари Тотлибой Турдимов, - ўсмирлар ўртасида содир этилаётган жиноятчиликни олдини олиш ва ҳали дунёқараши тўла шаклланмаган ёшларни ҳар хил оқимлар таъсирига тушиб қолишдан огоҳ этишдир.

Қизғин баҳслар остида ўтган кўрик-танловда 34-мактабнинг «Турон» жамоаси ғолибликни қўлга киритди ва вилоят босқичига йўлланмани нақд қилиб қўйишди. Иккала жамоага ҳам ҳомийларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

**Ш.АБДУЛЛАЕВ.**



## МАҲАЛЛАНГ - ОТАНГ, ОНАНГ

Самарқанд шаҳридаги Боғишамол туманига қарашли 2400 нафар аҳоли яшовчи «Сиёбча» маҳалласи катта нозири, милиция капитани Баҳодир Қосимов ва ҳамкасбларининг саъй-ҳаракатлари туфайли кейинги йилларда аҳоли ўртасида жиноятлар сони кескин камайди. Шунингдек, жонкуяр посбон Баҳодир ака мактаб ўқувчилари, маҳалла ёшлари билан тез-тез мулоқотда бўлиб туради. Бу ишда унга маҳалла фаоллари, оқсоқоллари яқиндан ёрдам беришмоқда.

***Суратларда:** 1. (чапдан) милиция капитани Баҳодир Қосимов ҳамкасблари билан.*
*2. «Сиёбча» маҳалла фаоли Нурулло бобо Саъдуллаев ички ишлар ходимларининг энг яқин маслаҳатчиси.*

**Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**





# МАКТАБДА НАВОИЙХОНЛИК



Юнусобод туманидаги Раззоқ Ҳамроев номидаги гимназияда шеърият султони Алишер Навоий меросини ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда. Яқинда бу ерда ғазал кечаси ўтказилди. Ўқувчилар Навоий достонларидан парчалар ўқишди. Севимли шоиримизнинг рубоий ва ғазаллари кеча иштирокчиларига завқ-шавқ бағишлади. Тадбир қатнашчилари Нодир Абдусаматов, Нодира Исмоилова каби ўқувчиларнинг истеъдодига қойил қолишди.

— Илм масканида йигит ва қизларга шу кун талаблари даражасида таълим-тарбия бериш учун барча шароитлар мавжуд, — дейди гимназия директори Роза Кушанбоева. — Моддий техника база мустаҳкамланиб бормоқда. Наталия Шевалдова, Маргарита Григорева, Назокат Йўлдошева, Мунаввар Алиева каби ўқитувчилар дарсларни мукаммал ўтишда намуна бўлишяпти.

Гимназияда инглиз тили, эстетика, иқтисод фанларига алоҳида эътибор берилмоқда. Сўнгги йилларда спортга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Ўқувчилар устозларидан енгил атлетика, стол тенниси, каратэ, дзюдо каби спорт турларини ўрганишмоқда.

**Д.ХУДОЙБЕРГАНОВА.**

*Ижтимоий ҳимоя*

# «КЎНГЛИ ЎКСИК ДЕМАНГ БИЗНИ»

***Шўрчи тумани 68-махсус мактаб-интернатидаги 220 нафар ўғил-қизга тажрибали мураббий, «Соғлом авлод» ордени соҳиби Қилич Ҳамроев бошлиқ 71 нафар ўқитувчи ҳамда тарбиячилар таълим-тарбия беришади. Кўнгли ўксик болажонларнинг ҳар жиҳатдан тўкис вояга етишлари учун барча шароитлар муҳайё этилган. Тарбияланувчиларга ҳар куни тўрт маҳал иссиқ овқат берилади.***

Бугунги кунда мактаб-интернатда А.Иванова, Ҳ.Мўминова, У.Дўстқобилова, Н.Маматова, С.Абдуллеава каби ўқитувчи ва тарбиячиларнинг фидойилиги туфайли турли спорт мусобақалари, учрашувлар, адабий кечалар мунтазам ўтказиб турилмоқда. Бу эса тарбияланувчиларнинг ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом бўлиб вояга етишида муҳим омил бўлмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мактаб-интернат мудом саховатпеша инсонлар ғамхўрлиги-ю меҳрибонлигидан баҳраманд. Яқинда туман ҳокимлиги ўқувчиларга 300 000 сўмлик кийим-кечак тақдим этган бўлса, Шўрчи дон маҳсулотлари комбинати жамоаси эса тўкин дастурхон ёзиб болажонларнинг қувончига гувоҳ бўлишди. Шунингдек, туман халқ таълими бўлими ҳам тарбияланувчилар ҳолидан хабардор бўлиб туришибди.

Ҳа, буюк бобокалонимиз Мир Алишер Навоий ҳазратлари бежизга бир инсон кўнглини овламоқни каъба обод айламоққа тенглаштирмаганлар. Зотан, тақдирнинг аччиқ ҳукми ила меҳрга, муҳаббатга муҳтож инсонларнинг кўнглини овламоқ ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

**Гули МАМАТОВА.**

## «ИШОНЧ» ТАШАББУСИ БИЛАН

Тошкент электротехника алоқа институтида фаолият кўрсатаётган талаба ёшлар уюшмаси «Ишонч» деган ном билан оммалашиб кетди. Уюшма негизида «Ишонч» республика ташкилоти юзага келди.

Бу йил унинг фаолият доираси янада кенгаяди. Унинг ташаббуси билан болалар киностудиясини очиш тараддуди кўрилмоқда. Тошкент электротехника алоқа институтида эса компьютер маркази иш бошлайди.

Кейинчалик яна қатор янги техник марказлар ташкил топади. Ёш археологлар, этнографлар ҳам бу ерда машғулотлар билан машғул бўладилар. Саёҳатчилар клуби ҳам очилиб, қизиқарли саёҳатлар уюштирилади.

Ёшлар телекўрсатуви орқали эса иқтидорли ва ижодкор йигит-қизлар фаолиятлари кенг оммалаштирилади.

*Футбол*

# КАМЕРУН АФРИКА ЧЕМПИОНИ

Ўтган ҳафта бутун дунё футбол мухлисларининг нигоҳи Африкага қаратилди. Сабаби айни шу кунлари қитъанинг Нигерия ва Гана мамлакатлари футбол майдонларида навбатдаги, 22-Африка Миллатлар Кубоги баҳслари бўлиб ўтди.

Хабарингиз бўлса, чемпионликка асосий даъвогарлар - Камерун ҳамда Нигерия терма жамоалари ўз гуруҳ баҳсларида ва чорак финал беллашувларида ишончли ўйин кўрсатган эдилар. Ярим финал учрашувларида ҳам улар ўз рақиблари устидан сезиларли устунликка эришдилар. Камерун Тунис терма жамоасини 3:0 ҳисобида мағлуб этган бўлса, Нигерия ЖАР дарвозасига жавобсиз икки тўп йўллади. Ниҳоят, Европа ёхуд Американинг ҳар қандай кучлиларини ҳам ўйлаб ўйнашга мажбур этадиган бу икки терма жамоа финалда ўзаро тўқнаш келдилар.

Учрашувнинг илк дақиқалариданоқ ҳужумга зўр берган Камерун терма жамоаси тезда рақиб дарвозасини икки бор ишғол этишга муваффақ бўлди. Бироқ, Финиди, Бабангида, Кану, Окоча, Окпабору, Уэст каби бугун Европани титратаётган «юлдуз футболчилар»ни ўзида жамлаган Нигерия терма жамоаси тез орада рақибларининг икки голига икки тўп билан жавоб берди. Бу ҳисоб асосий вақтда ҳам, қўшимча вақтда ҳам ўзгармай қолди. Айтиш мумкинки, шу куни «яшил бургутлар» дея эътироф этилган Нигериядан омад юз ўгирганди. Натижада пенальтилар бўйича ҳисоб 5:3. Камерун - Африка чемпиони!

# АНЕЛЬКА ИСМИНИ ЎЗГАРТИРМОҚЧИ

Франция терма жамоаси ва Испаниянинг «Реал» клуби ҳужумчиси Николья Анелька исмини ўзгартирмоқчи. Бир вақтлар ўз истеъдоди билан миллионлар олқишига сазовор бўлган ва кейинчалик «Реал» жамоасида омадсизлик уммонига ғарқ бўлган бу моҳир футболчи ана шундай қарорга келган. У омадсизлик ва тушкунлик дунёсидан қутилишнинг бирдан-бир чораси ислом динини қабул қилиб, ўз исмини Билол (ислом оламида биринчи бўлиб намозга азон айтган мусулмоннинг исми) дея ўзгартиришда деб билмоқда.

*Маданият хабарлари*

# ЯНГИ ФИЛЬМЛАР

Куни кеча Республика киночилар уйида «Ўзкинохроника» студияси ижодкорлари томонидан яратилган икки янги ҳужжатли фильм премьераси бўлиб ўтди. Уларнинг бири режиссёр Шарофат Шокирова бошчилигида суратга олинган «Қалбимдасан, Ватан» фильми бўлиб, унда она Ватанимизнинг гўзал табиати , бепоён кенгликлари, меҳнаткаш ва танти халқи-ю кун сайин чирой очиб бораётган шаҳар ва қишлоқлари лирик ечимда, бадиий бўёқлар билан бойитилган, мусиқий композиция кўринишида тасвирланган. Иккинчи фильм ризқу рўзимиз бўлмиш, азиз ва муқаддас неъмат — нон ҳақида ҳикоя қилади. Режиссёр ва оператор Эльдор Мамедов кино тасмаларига муҳрлаган мазкур фильмда ўзбек нонининг кўплаб турлари, уларнинг тайёрлаш усуллари ва замонавий технологиянинг бу жараёндаги фаол иштироки ҳақида батафсил ҳикоя қилинади.

Бу икки фильм томошабинларда яхши таассурот қолдиради, деб ўйлаймиз.

# ТУҲФА

Ўзбекистон телевидениеси ва Республика Ички ишлар вазирлиги қошидаги «Қалқон» студияси билан ҳамкорликда суратга олинган «Шайтанат» фильмининг дастлабки қисмларини телетомошабинлар катта эътибор билан томоша қилишган эди. Яқинда фильм ижодкорлари «Шайтанат»нинг навбатдаги қисмларини суратга олиш жараёнини тугатдилар, шу кунларда фильмнинг монтаж ишлари олиб борилмоқда. Унга бироз ўзгартириш киритилган бўлиб, Ёдгор Саъдиев бош ролни ижро этиш билан бирга режиссёрлик ҳам қилмоқда. Зайнаб ролини эса, Раъно Шодиева ижро этмоқда. Фильм ижодкорлари «Шайтанат»нинг навбатдаги қисмларини телетомошабинларга Наврўз айёмида тақдим этиш ниятидалар.

**Саодат УСМОНОВА,**
**талаба.**

# ЯНГИ РУСУМЛИ АВТОБУСЛАР

Мана беш йилдирки, республикамиз пойтахти Тошкент кўчаларида «Мерседес-Бенц» русумли автобуслар йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиб келмоқда. Мана эндиликда ушбу транспорт воситасидан бир мунча афзал бўлган «Мерседес-Бенц Тюрк АШ» русумли янги автобус намуналари ҳам пайдо бўлди.

«Мерседес-Бенц» немис фирмаси билан Туркиянинг Хошдере шаҳридаги транспорт корхонаси ҳамкорлигида яратилган бу хил янги автобуслар ҳам яқин орада Тошкент аҳолисига хизмат кўрсата бошлайди.

Шу мақсадда республикамизга бу хил автобуслардан айримлари синаб кўриш учун юборилди. Ҳозир улар Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш транспорт корхоналари Давлат уюшмасига қарашли иккинчи ва саккизинчи автобус саройларида тажриба синовидан ўтказилмоқда. Автосаройлар мутахассислари томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазалар янги автобусларни янада такомиллаштириб, саноат асосида кўплаб тайёрлаб чиқаришда инобатга олинади.

Яқинда Тошкентга «ДЭУ-BS-120» русумли автобуслардан 2 таси Жанубий Кореядан олиб келинди. Улар бир йиллик муддат давомида тажриба синовидан ўтказилади.

**А.АЛИЕВ тайёрлади.**

# ТАЪЛИМ ОЛИШ УЧУН – ЯПОНИЯГА

***Япония ҳукумати Ўзбекистон вакилларининг кунчиқар мамлакатда ўқишлари учун 127 миллион япон йени миқдорида беғараз ёрдам пулини ажратди.***

— Ривожланган етакчи давлатлар сирасига чиқиб олган Япония тажрибаси ҳар жиҳатдан диққатга сазовор, — деди «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирига Ўзбекистон республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги халқаро алоқалар бош бошқармаси бошлиғи Дилмурод Расулев. — Шунинг учун биз 20 нафар фуқаромизни етакчи университетларда ўқитишни ташкил этиш ҳақида Япония таклифини бажонидил қабул қилдик. Айни пайтда танлов асосида номзодлар сараланаётир. Японияда таълим олувчилар инглиз тилини биладиган, олий маълумотли, 35 ёшдан ошмаган ёшлар бўлиши лозим. Айтиш керакки, уларнинг аксарияти республика вилоятлари ва Қорақалпоғистон олий ўқув юртларини шу йили битиришади. Ўқишга кетаётганлар ичида ёш тадбиркорлар ҳам бор. Ўзбекистонлик вакиллар икки йилга мўлжалланган ўқишни муваффақиятли якунласалар, иқтисодиёт, молия, ҳуқуқ, бошқарув, инжиниринг, соғлиқни сақлаш, японияшунослик ихтисосликлари бўйича Япония намунасидаги дипломни қўлга киритишади. Бу эса, мамлакатимиз японча таржибани тарқатувчи, ундан амалиётда кенг фойдаланувчи мутахассисларга эга бўлади, демакдир.

Ҳозирда республика олий ўқув юртларига августда якунланадиган танлов шартлари ҳақида батафсил маълумотлар юборилди. Даъвогарлар бир неча танлов босқичидан ўтадилар. Хусусан тест, мутахассислик ва тилдан имтихон (TOEFL), Япония профессорлари ўтказадиган якуний тур кабилардир.

Шуни қўшимча қилиб айтиш жоизки, «Умид» жамғармаси билан ҳамкорликда ҳар йили дунёнинг ривожланган давлатларига 400 нафаргача бўлган мутахассисларни ўқишга юбориш ташкил қилинмоқда.

Япония билан ҳамкорлигимиз узоқ муддатга кўзланган бўлиб, келаси йил биз ушбу давлатга 20 та мутахассисни бошқаustувор йўналишлар бўйича ўқишга юборишни режалаштирмоқдамиз, — деб таъкидлади Д.Расулев.

**«Туркистон-пресс»**

## 2000 йил - Соғлом авлод йили



*«Ишонч» бонг уради*

# СПОРТ МАЙДОНЛАРИ НЕГА БЎМ-БЎШ?

***Вазирлар Маҳкамасининг республикамизда футболни ривожлантириш тўғрисидаги қарорига жавобан Касби туманида қатор ишлар амалга оширилди. Туман автомобил йўллари бошқармаси таъсислигида «Навбаҳор» футбол клуби тузилди. Жамоага маҳаллий иқтидорли футболчиларни етказиб бериш мақсадида футбол мактаби очилди. Бир вақтлар ҳашар йўли билан қурилган «Дўстлик» ўйингоҳининг чала қолган қисмларида қурилиш ишларини ниҳоясига етказиш ҳамда ўйингоҳ атрофини ободонлаштириш учун хўжалик, ташкилотларнинг кўмаги, ҳомийлиги ташкил этилди.***

Туман ҳокимининг фармойиши билан «Навбаҳор» футбол жамоасининг мусобақаларда муваффақиятли қатнашувини таъминлаш мақсадида жамоа аъзоларининг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш тадбирлари белгиланди. Жамоанинг 19 нафар футболчиси хўжалик ва ташкилотлар оталиғига олинди.

Бу ўз навбатида ёш футбол жамоаси ютуқлари гарови бўлди. «Навбаҳор» чиройли ўйинлари билан ўз мухлисларини хушнуд эта бошлади. 1997 йилда жамоа вилоят чемпионатида ўз гуруҳида биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Аммо сўнгги бир йилдан кўпроқ вақт мобайнида, аниқроғи 1998 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб клуб иши орқага кетди. Молиявий аҳвол қийинлашди. Клуб раҳбарлари ҳам, туман жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳам ўз вақтида муаммолар ечими тўғрисида бош қотирмадилар. Натижада жамоа кетма-кет мағлубиятга учради.

1999 йил 29 июнда туман ҳокимлигида клуб раҳбарлари ва футболчилар иштирокида йиғилиш ўтказилди. Унда ҳомийлар кўмагида клубнинг молиявий аҳволини яхшилаш, жамоага лаёқатли ўйинчиларни жалб этиш, ўринбосарлар тайёрлаш, машғулотларни мунтазам ўтказиш, мусобақаларни жадвал асосида ташкил этиш масалалари кўриб чиқилди.

Ва ниҳоят, клуб ишларида яна олдга силжиш кўзга ташланди. 1999 йилни «Навбаҳор»чилар ўз гуруҳларида 32 очко билан иккинчи ўринни, кучли олтиликда - биринчи табақага ўтувчи жамоалар ўртасида бешинчи ўринни эгаллаш билан якунладилар. Аммо туман ҳокимининг 1999 йил 6 майда қабул қилган қарорини бажаришга кўпчилик хўжалик ва ташкилотлар юзаки қарадилар. Айниқса, 2-хўжалик ҳисобидаги автокорхона, туман пиллачлик идораси, 8-деҳқон қурилиш бошқармаси, «Майманоқ» ва «Пахтакор» жамоа ширкат хўжаликлари раҳбарлари футбол мусобақаларини ташкил этиш, ўйинчиларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришга эътиборсизлик билан муносабатда бўлдилар. Бинобарин, тумандаги бир қатор умумтаълим ва касб-ҳунар мактаблари, хўжалик ва ташкилотларда футбол жамоалари мавжуд. Улар вилоят миқёсида ўтказиладиган мусобақаларда туман шарафини муносиб ҳимоя қилмоқдалар. Бироқ, кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, олдинги йилларда яхши ўйинлари билан мухлислар олқишига сазовор бўлган баъзи футбол жамоаларининг шуҳрати бугун сўниб бормоқда. Тўп, форма етишмаслиги рўкач қилиниб, яхшигина фаолият кўрсатиб турган баъзи мактаб футбол жамоалари тарқатиб юборилмоқда.

Ютуқлар соясидаги яна бир нуқсон, у ҳам бўлса, туманда ҳозирги кунда 24 та спорт зали, 66 та волейбол, 16 та қўл тўпи, 52 та футбол ҳамда 17 та баскетбол майдонлари, 7 та стол тенниси майдончаси, 23 та мерганлик тири шуғулланувчилар ихтиёрига бериб қўйилган. Афсуски, бугун мазкур спорт иншоотларининг барчасидан ҳам кўнгилдагидек фойдаланиляпти, деб бўлмайди. Уларнинг аксари кўп ҳолларда бўш туради, спорт майдонлари тозаланмайди, ҳатто баъзилари чорва моллари боқиладиган яйловга айланиб қолган. Бунга масъул бўлган спорт йўриқчилари, жисмоний тарбия фани ўқитувчилари, қолаверса, тегишли хўжалик ва ташкилот раҳбарларининг эса парвойи палак. Ахир, улар ёшларни қизиқиш ва лаёқатларига қараб, спорт турларига кўпроқ жалб этишлари, дам олиш кунлари, ишдан ташқари вақтларида турли мусобақалар уюштиришлари, бу соҳада давлат ва жамоат ташкилотлари билан мустаҳкам ҳамкорлик олиб боришлари зарур эмасми?

Туманда, бугунги кунда 130 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Улар орасида келгусида етук спортчи бўлиб етишиш иштиёқида ёнаётган ёшлар талайгина. Фақат уларни тарбиялаш, туман, вилоят, республика миқёсидаги мусобақаларга тайёрлаш, бир сўз билан айтганда қўллаб-қувватлаш лозим. Бунинг учун эса туман мутасаддиларида изланувчанлик, тадбиркорлик, фидойилик ва яна озгина қизиқиш бўлса, бас. Балким, ана шунда туман спортидаги нуқсонлар йўқолармиди?

**Жўра ЮСУПОВ,**
**Қашқадарё вилояти.**

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нусха. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти 23.00

Буюртма Г— 114.
1 2 3 4 5 6